



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Амир Темурнинг одилона иқтисодий сиёсати – кудратли империянинг шаклланиш ва ривожлантириш омили	5
Дилфуза Олимбоевна Матёкубова Бизнес тузилмаларини инновацион ривожлантириш учун диверсификация стратегиясини танлаш истиқболларини баҳолаш тартиби ва усуллари	12
G‘ayrat Zuvaytovich Ubaydullaev Mamlakatda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish strategiyalarini amalga oshirish inson kapitali samaradorligini oshiradi	16
Fotimaxon Ibragimovna Ergasheva, Madina Isoqjonovna Oxunjonova Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish masalalari	21
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Гулнора Мардиевна Шадиева Влияние инновационных процессов на экономическое развитие Республики Узбекистан: теоретические аспекты	26
Omonilla Saydaminovich Umarov, Abdulxay Xasanboyevich Xodjayev Iqtisodiy xavfsizlikini ta’minlashda ochiq ma’lumotlar sohasining ahamiyati	31
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузбой Нормухаматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов Мева-сабзавотларда бўладиган нитратлардан келадиган хавфлар ва уларнинг олдини олиш йўллари	35
Гулнора Мардиевна Шадиева, Умида Равшановна Равшанова Теоретические аспекты занятости в сельском хозяйстве и их влияние на развитие экономики Республики Узбекистан	38
Сусанна Сейрановна Алиева Солнечная энергетика в тепличном хозяйстве	44
Zaxriddin Vasliddin o‘g‘li Usubjonov Namangan viloyatida qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoatining rivojlanishi	49
Muxriddin Mo‘ydingon o‘g‘li Turg‘unov Oziq-ovqat sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini boshqarish masalalari	55
Абдухолик Эгамович Тангиров Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ва уларни бошқаришдаги айрим муаммолар	58
Mirodiljon Xasanboy o‘g‘li Xomidov O‘zbekiston Respublikasi avtomobilsozlik korxonalarida sanoat kooperatsiyasini tashkil etish va foydalanishning iqtisodiy ahamiyati	62
Xakim Toshimovich Buriyev Qurilish sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy asoslari	66
МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Саидахроп Саидахмедович Гуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича айрим тавсиялар	72
Обид Мамаюнусович Пардаев Кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳияти	78

<p style="text-align: center;">С.Гулямов, М.Пардаев</p> <p style="text-align: center;">Некоторые рекомендации по повышению эффективности образования и сокращению бедности в Узбекистане</p> <p>Аннотация. В статье анализируются корни недостатков в экономике и образовании Узбекистана и предлагаются пути сокращения бедности. Для сокращения бедности в стране требуется обращать больше внимания на повышение эффективности образования. В статье даны конкретные рекомендации по развитию инновационных цифровых технологий. Внедрение этих рекомендаций в практику позволит сделать достойный вклад в сокращение безработицы, бедности и дефицита бюджета, увеличению доли умственного труда и росту экспорта его копий зарубеж, а также сокращению внешнего долга Нового Узбекистана.</p> <p>Ключевые слова: Новый Узбекистан, умственный человеческий капитал и производительность умственного труда, эффективность образования, новые функции учеников и учителей, сокращение бедности, доход и богатство, IT и цифровое предпринимательство, фриланс и дистанционная работа зарубежом.</p>	<p style="text-align: center;">S. Gulyamov, M. Pardaev</p> <p style="text-align: center;">Some recommendations for improving the efficiency of education and reducing poverty in Uzbekistan</p> <p>Abstract. The article analyzes the roots of shortcomings in the economy and education of Uzbekistan and suggests ways to reduce poverty. To reduce poverty in the country, more attention should be paid to improving the efficiency of education. The article provides specific recommendations for the development of innovative digital technologies. The implementation of these recommendations in practice will make a worthy contribution to reducing unemployment, poverty and budget deficit, increasing the share of mental labor and increasing the export of its copies abroad, as well as reducing the external debt of New Uzbekistan.</p> <p>Keywords: New Uzbekistan, mental human capital and productivity of mental labor, efficiency of education, new functions of students and teachers, poverty reduction, income and wealth, IT and digital entrepreneurship, freelance and remote work abroad.</p>
--	---

Обид Мамаюнович Пардаев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти директорининг 1-ўринбосари, PhD.

КЎП ЎЛЧОВЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ АНИҚЛАШНИНГ ЯНГИ ИНДИКАТОРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Аннотация. Мақолада кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳияти очиб берилган. Бунда прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ), БМТнинг Тараққиёт Дастури (БМТТД), Оксфорд Инсон тараққиёти ва қашшоқлик ташаббуси томонидан ишлаб чиқилган Глобал кўп ўлчовли қашшоқлик индекси каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари қиёсий таҳлил қилинган. Булардан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ушбу категорияни ифодаловчи 10 та кўрсаткич танлаб олинган ва улардан амалиётда фойдаланиш тавсия қилинган.

Калит сўзлар: камбағаллик, кўп ўлчовли камбағаллик, кўрсаткичлар, индикаторлар, ишсизлик, таълим сифати, соғлиқни сақлаш, қашшоқлик, бандлик, мавсумий бандлик.

Кириш. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда 2024 йил 27 августда Президентимиз “Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал мулоқот” халқаро конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида батафсил тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: “сўнгги уч йилда мамлакатимизда кўмакка муҳтож 3 миллион аҳолининг турмуш шароитини яхшилаб, камбағаллик даражасини 17 фоиздан 11 фоизга туширишга эришдик. Республикаимизда эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли сиёсатни изчил давом эттириб, келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 7 фоизгача пасайтиришни мақсад

килганмиз”¹. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича катта ишлар қилиниши билан бирга катта натижаларга ҳам эришмоқдамиз

Тадқиқот методологияси. Кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳиятини очиб бериш бўйича айрим тавсияларни ишлаб чиқиш жараёнида мантиқий таҳлил, таҳлил ва синтез, миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, макон ва замон каби услуб ва ёндашувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала дунё микёсида ҳам ўта долзарб масалалардан бирига айланган. “Дунёда тахминан 1,2 миллиард одам “кўп ўлчовли қашшоқликда” яшайди. Демак, улар ҳар бир киши учун кунига 1,90 доллардан кам маблағ олади, кўпинча уйларида ҳожатхона ва сув йўқ, шифокорга кўриниши ёки ўқиш имкониятидан маҳрум бўлишади”². Ушбу кўрсаткич дунё микёсида қарайдиган бўлсак камбағаллик даражаси 15,0 %ни (1,2*100/8,0) ташкил қилмоқда.

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) экспертлари камбағаллик масаласи бўйича аҳоли фикрини ўрганиш натижасида камбағалликни ўлчайдиган индикаторларни аниқлаш имкониятига эга бўлди³. Бундай ҳулосага келиш учун ПМТИ экспертлари Навоий вилоятида аҳоли ўртасида 300 та хонадонда сўров ўтказди. Шу тариқа аҳолининг камбағаллик ҳақидаги фикрини ўрганилди. Шу асосида Миллий кўп ўлчовли камбағалликнинг мезонларини аниқланди. Натижада қандай кишилар камбағал ҳисобланиши бўйича индикаторлар ишлаб чиқилди. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Кўп ўлчовли камбағалликни баҳолайдиган индикаторлар ва уларнинг мазмуни⁴

Т/р	Камбағаллик ўлчовлари индикаторлари	Камбағаллик ўлчовлари индикаторлари изоҳи (мазмуни)
1.	Ишсизлик	Камбағалликнинг муҳим омилларидан бири ишсизлик, чунки ишсиз одамда даромад бўлмайди ва мос равишда камбағаллик чегарасидан чиқа олмайди. Бундай кишилар бошқа нарсаларга ҳам қодир бўлмайди.
2.	Шахсий уйининг йўқлиги	Камбағал оилада шахсий уй бўлмаслиги мумкин. Натижада оиласи билан ижарада яшашига тўғри келади. Бунда даромаднинг кўп қисми ижара ҳақида тўланади ва натижада камбағал ҳолатда қолавериши мумкин.
3.	Тўйиб овқатланмаслик	Дармаднинг етарли эмаслиги тўйиб овқатланмасликка сабаб бўлади ва мос равишда болаларнинг тўлақонли ўсишига, одамларнинг хотиржам яшашига ҳам имконияти чекланиб қолади. Бу ҳам камбағалликдан чиқишни мураккаблаштиради.
4.	Таълим сифати ва саводхонлик даражаси	Камбағалликнинг асосий сабабларидан бири таълим сифати даражасининг пастлиги оқибатида саводсизликнинг кўпайиши. Саводсиз одам ҳеч жойда ишлай олмайди, ишлаган тақдирда ҳам малакасиз ишга жалб қилиниб жуда кам ойлик тўланади. Бу билан камбағалликдан чиқиб бўлмайди.
5.	Сурункали касалликлар-	Ҳозирги пайтда яшаш учун тегишли шароит бўлмаса, тўйиб овқатлана олмаса, албатта сурункали касалликлар кўпаяди

¹ “Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал мулоқот” халқаро конференцияси иштирокчиларига Президент Шавкат Мирзиёевнинг табриги. / 27.08.2024. <https://president.uz/uz/lists/view/7502>.

² Более 1,2 млрд человек в мире живут в условиях крайней нищеты. <https://www.un.org/ru/190574#>:

³ <https://xabar.uz/iqtisodiyot/kambagallik-qanday-mezon?ysclid=m0e4wozbw9919266341>

⁴ Жадвалда келтирилган камбағаллик ўлчовлари индикаторлари изоҳи муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ва қуйидаги сайтда нашр қилинган эди: Мамаюнус Пардаев, Обид Пардаев. Кўп ўлчовли камбағалликни ифодаловчи индикаторлар. // <https://tegra.ph/K%D0%8EP-%D0%8ELCHOVLI-KAMBA%D2%92ALLIKNI-IFODALOVCHI-INDIKATORLAR-08-30 SamTVR I MTRK/>. 2024.08.30 632. 8:58.

	нинг кўп бўлиши	Натижада ҳозирги кунда даволаниш ва дори-дармонга жуда катта маблағ лозим бўлади. Бу ҳам камбағалликнинг барҳам топишига имконият бермайди.
6.	Болаларнинг мактабга бормаслиги	Камбағалликнинг пойдевори болаларнинг мактабга бормаслигидан бошланади. Мактабга бормасликнинг сабаблари жуда кўп. Хуллас, бола оқибатда саводсиз ва мос равишда, яхши даромадли ишга яроқсиз бўлиб улғаяди. Буларни ҳам камбағалликдан чиқиши мураккаб бўлиб қолади.
7.	Мавсумий бандлик	Кўп ҳолларда, айниқса қишлоқ жойларда одамлар мавсумий бандлик билан чегараланиб қолган. Булар ҳам 6 ой давомида банд бўлса, қолган 6 ойини даромадсиз ҳолда камбағалликдан чиқиши қийин бўлади.
8.	Гўшт ва тухумнинг кам истеъмол қилиниши	Уйида етарли шароит бўлмаса, яъни мол, товуқ боқиш имконияти чекланган бўлса, даромади ҳам кам бўлади. Гўшт ва тухумнинг кам истеъмол қилиниши натижасида соғлом яшаши биров мураккаб бўлади. Натижада асосий топган маблағи дори-дармонга ва даволанишга сарфланади. Булар ҳам камбағаллик даражасидан чиқишни мураккаблаштиради.
9.	Болаларнинг касалликдан вафот этиши	Ҳозирги пайтда бир қисм болалар касал ҳолда туғилмоқда. Буларнинг бир қисми ўлимдан асраб қолинмоқда. Аммо улар тўлақонли соғлом бола бўлиб ўсиши қийин. Боз устига болаларни тегишли озуқалар билан ўз вақтида озиқлантириб ўстириш имконияти бўлмаса, албатта ушбу омил ҳам сақланиб қолади.
10.	Болаларнинг даромад топиш учун 15 ёшгача меҳнат қилиши	Айрим хонадонларда яшаш учун курашиш мақсадидан келиб чиқиб, болалар ёшлигидан бир бурда нон топиб яшаш шароитига эга бўлишга интилиб яшайди. Болаларнинг отаси йўқ, ўзлари ёш онасининг топгани барчани боқишга етмаслиги оқибатида бундай ишга мажбур бўлади. Бу ҳам камбағалликдан чиқишнинг ижобий йўли эмас, албатта.
11.	Тез-тез касал бўлиши	Камбағалликка олиб келадиган муҳим омиллардан бири оила аъзоларининг тез-тез касал бўлиши. Етишмаслик, етарли овқатланмаслик айнан шу ҳолатни келтириб чиқаради. Бироқ бу яна даволаниш учун маблағни жалб қилиш натижасида камбағалликни кучайтиришига сабаб бўлади.
12.	Тиббий ёрдамнинг етишмаслиги	Одатда тиббий ёрдамнинг етишмаслигига биринчи сабаб камбағаллик бўлса, бунинг етишмаслиги оқибатида касаллик кучаяди, тиббиётга эҳтиёж ошади. Топган даромадини даволанишга сарфлаши натижасида яна камбағаллик келиб чиқади.
13.	Суғориш учун сувнинг етишмаслиги	Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқатларни, мева чева ва сабзавотларни етиштириш учун ер, сув ва ҳаво керак. Суғориш учун сувнинг етишмаслиги туфайли ҳосил бўлмайди. Бу қишлоқ жойларда даромад ҳам бўлмайди дегани. Оқибати қишлоқда камбағалликка сабаб, шаҳарда озиқ-овқат хавфсизлигига сабаб бўлади.
14.	11 йилдан кам таълим олганлик	Камбағалликнинг сабабларидан бири, юқорида таъкидланганидек, саводсизлик. Ҳозирги меъёр бўйича мактаб таълимида 11 йилдан кам таълим олганларнинг саводи мукамал бўлмайди. Шу туфайли ушбу категориядаги инсонлар ҳам камбағаллик сафида бўлади. Яна бир жиҳат, 11 йил ўқий олмаганлигига ҳам сабаб, аввало камбағалликдан бўлиши мумкин.
15.	Уйда хоналарнинг	Айрим оилаларда битта ҳовлида 4 та, айримларида ундан ҳам кўпроқ оилалар яшайди. Чунки уй олиш имконияти чекланган,

	етишмаслиги	камбағаллик чегарасидаги оила ҳисобланади. Буларнинг уйларида хоналари шунга мос 2тадан бўлганда ҳам 8 та ва ундан кўпроқ бўлиши лозим. Агар бундан кам бўлса, ҳаммасининг нормал яшаши учун булар етарли бўлмайди. Шу туфайли буларни ҳам ушбу камбағаллар гуруҳидан чиқариш қийин кечади.
16.	Тоза ичимлик сувининг етишмаслиги	Ҳозирги шароитда мавжуд муаммолардан бири тоза ичимлик сувининг етишмаслиги билан боғлиқ. Ушбу ҳолат сақланиб қоладиган бўлса яна турли касалликлар пайдо бўлади ва мос равишда топилган даромади даволанишга кетади ва мос равишда камбағаллик чегарасидан чиқиш мураккаблашиб қолади.
17.	Уйдаги ҳолатнинг талаб даражасида эмаслиги	Моддий етишмовчилик мос равишда уйдаги ҳолатнинг талаб даражасида эмаслигига олиб келади. Бу ҳам нормал ҳаёт кечириш учун мураккаб бўлиб қолади ва мос равишда ушбу ҳолат ҳам камбағаллик даражасидан чиқа олмаганлигининг белгиси ҳисобланади.
18.	Уйда табиий газдан бевосита фойдаланмаслик	Мамлакатимизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида хонадонларга газ уланмаган. Улар асосан баллон газ билан фақат овқатларни тайёрлаш учун фойдаланишади. Иситиш ва бошқа эҳтиёжлар учун етарли бўлмайди. Ушбу ҳолат ҳам меъёр даражасида яшаш имкониятини бермайди ва шу туфайли камбағаллик чегарасида қолиб кетаверади.
19.	Электр энергиясидаги узилишлар	Бугунги ҳаётимиз шаҳар ва қишлоқларда ҳам бир хил электр энергиясисиз яшаш мураккаблашиб қолган. Оддий ёритадиган чирокдан тортиб кир ювишгача, телевизорни томоша қилишдан тортиб, уй шароитида компьютердан фойдаланиб ишлашгача электр энергияси лозим бўлади. Бу ишларни йўлга қўйилмаса, камбағалликдан чиқиб, бой бўлишга ҳалал беради.
20.	Мобил алоқа ва интернет йўқлиги	Ҳозирги пайтда алоқалар глобаллашиб бормоқда. Оддий мулоқотдан тортиб, дунёда содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги ахборотларни олишгача бўлган масалаларнинг ҳаммаси мобил алоқа ва интернетга боғлиқ бўлиб қолган. Буларнинг йўқлиги инсонларнинг яшашида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммолар қуршовида қолганлар албатта камбағаллар рўйхатидан чиқиши қийин кечади.
21.	Турли моддий активларнинг бўлмаслиги	Инсоннинг нормал яшаши учун турли моддий активлар (ётиш учун кароватлар, шкафлар, телевизор, гиламлар каби) етарли бўлишлиги лозим. Буларнинг етишмаслиги ҳам камбағаллик чегарасидан чиқа олмаганлигидан далолат беради.
22.	Ҳожатхона ва санитария жиҳозларининг бўлмаслиги	Агар оилалар етарли маблағга эга бўлмаса, ҳожатхона ва санитария жиҳозларининг бўлмаслиги, бўлганда ҳам етишмаслиги мумкин. Аммо сўров натижаси кўрсатишича бундай оилалар жуда кам бўлса-да мавжуд экан. Булар ҳам камбағалликнинг оқибатидир.

Жадвалда келтирилган камбағалликни ўлчайдиган индикаторлар “Камбағаллик ва инсон потенциалининг ривожланиши муаммолари бўйича Оксфорд университети ташаббусида Дастурлар ва операциялар бўйича директор сифатида фаолият юритувчи Корин Митчел хоним томонидан ижобий баҳоланди”¹. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, мамлакатимизда камбағалликни ифодаловчи индикаторларни асосан юқорида келтирилган 22 та кўрсаткич билан ифодалаш мумкин экан. Чунки ушбу ҳолат аҳолининг

¹ <https://xabar.uz/iqtisodiyot/kambagallik-qanday-mezon?ysclid=m0e4wozbw9919266341>.

турли қатлам вакиллари учун қайта ҳисобланганда ҳам сақланиб қолган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кўп ўлчовли камбағаллик тушунчасининг таърифини ишлаб чиқишни мақсад қилдик. **Кўп ўлчовли камбағаллик деганда, аҳолининг муносиб тўлақонли ҳаёт кечириши учун бир қанча имкониятлардан маҳрум бўлган ҳолда яшаши қийин бўлган аҳоли қатлами тушунилади.** Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни шакллантириш стратегиясида айнан камбағалликни қисқартириш масаласига ҳам катта аҳамият бериб келинмоқда. Натижада, Президентимиз юқорида таъкидлаганидек, “сўнгги уч йилда мамлакатимизда кўмакка муҳтож 3 миллион аҳолининг турмуш шароитини яхшиланди”¹. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда инсон кадри, уларнинг муносиб яшаши учун тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, шуни инобатга олиш лозимки, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Оксфорд Инсон тараққиёти ва қашшоқлик ташаббуси томонидан ишлаб чиқилган Глобал кўп ўлчовли қашшоқлик индекси ҳар бир инсоннинг аҳолини соғлиқ, таълим ва бойлик билан боғлиқ 10 та кўрсаткич асосида баҳолайди”². Кўриниб турибдики, бу муаммо дунё миқёсида ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир. БМТТД раҳбари Аҳим Штайнер таъкидлашича “2025 йилгача 100 миллион киши қашшоқликдан қутулиши кутилмоқда”³.

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида камбағалликнинг кўп турлари мавжуд. Жумладан: “Камбағалларнинг 50 фоиздан ортиғи ёки 593 миллион киши овқат тайёрлаш учун на электр энергиясига, на тоза ёқилғига эга. Камбағалларнинг деярли 40 фоизи ичимлик суви ёки тегишли санитария шароитларига эга эмас. Камбағалларнинг 30 фоиздан ортиғи бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсдан маҳрум: етарли озиқ-овқат, тегишли уй-жой, тегишли санитария ва замонавий ошхона ёқилғиси”⁴. Шу туфайли камбағалликка битта ўлчов билан баҳо бериш қийин. Бу эса дунё миқёсида камбағалликни кўп ўлчовли индикаторлар асосида баҳолаш зарурлигини тақозо қилмоқда.

Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси (МПИ) БМТТДнинг Инсон тараққиёти бўйича ҳисобот идораси томонидан маҳрумликни уч ўлчов ва 10 кўрсаткич бўйича кузатиб боради ва эълон қилиб боради. Буларга: **соғлиқни сақлаш** бўйича 2 та кўрсаткич: болалар ўлими ва овқатланиш, **таълим соҳаси бўйича** ҳам 2 та кўрсаткич: мактабда ўқиш йиллари, ўқишга кирганлик даражаси ва **турмуш даражаси** бўйича 6 та кўрсаткич билан баҳоланади. Буларга: сув, санитария, электр энергияси, пишириш ёқилғиси, пол, активлар⁵.

Бу бўйича яна бошқа қарашлар ҳам бор. Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси (МПИ)да қўлланиладиган қашшоқликнинг ўнта кўрсаткичига қуйидагилар киритилган: “болалар ўлими, овқатланиш, мактабда ўқиш йиллари, мактабда қатнашиш, ёқилғи тайёрлаш, канализация, ичимлик суви, электр энергияси, уй-жой ва мулк киради”⁶. Ушбу кўрсаткичлар умумий фаровонликнинг кўп ўлчовлари бўйича қашшоқлик ва маҳрумликнинг турли жиҳатларини қамраб олади. Буларнинг айримлари бўйича бизда муаммолар камлиги туфайли замон талабидан келиб чиқиб юқоридаги 10 та кўрсаткични танлаб олдик.

Мамлакатимизда ҳам камбағалликни қисқартириш учун қилинган тадбирларни БМТнинг талабидан келиб чиқиб, 10 та индикатор билан ўлчашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларга қуйидагиларни киритиш тавсия қилинади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Бу қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва бугунги инновацион иқтисодиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда кўп ўлчовли камбағалликни баҳолайдиган индикаторларнинг 22 тасидан 10 тасини танлаб олдик. Буларнинг изоҳи 1-

¹ “Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал мулоқот” халқаро конференцияси иштирокчиларига Президент Шавкат Мирзиёевнинг табриги. / 27.08.2024. <https://president.uz/uz/lists/view/7502>.

² Боле 1,2 млрд человек в мире живут в условиях крайней нищеты. <https://www.un.org/ru/190574#>.

³ Боле 1,2 млрд человек в мире живут в условиях крайней нищеты. <https://www.un.org/ru/190574#>.

⁴ Боле 1,2 млрд человек в мире живут в условиях крайней нищеты. <https://www.un.org/ru/190574#..>

⁵ Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси.

⁶ Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси: ўлчовлар, ҳисобот, аҳамият ва чекловлар. Интернетда 2023 йил 20 сентябрь куни эълон қилинган.

жадвалда келтирилган.



1-расм. Кўп ўлчовли камбағалликни баҳолайдиган индикаторларнинг ўзаро боғлиқликлари

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, камбағалликни қисқартириш учун олдин унинг аниқ ўлчовларини билиб олиш лозим экан. Сўнгра уларни бирма-бир тўғрилаб камбағалликка барҳам бериш мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, “Кўп ўлчовли камбағаллик” тушунчасининг таърифини иқтисодиётга оид ўқув адабиётларига киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки унинг амалий ечимини топиш учун назарий талқинини тўғри англаб олишни тақозо қилади.

Иккинчидан, “Маҳалла еттилиги”га “Кўп ўлчовли камбағаллик” кўрсаткичлари асосида, уни босқичма-босқич камайтириш йўллари ўргатадиган ўқувларни ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, мамлакатимизда кўп ўлчовли камбағаллик даражасини баҳолайдиган индикаторларнинг биз тавсия қилган 10 тасини амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ, чунки ушбу индикаторлар бевосита ҳозирги шаклланаётган рақамли ва инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб беради.

Тўртинчидан, ҳар бир ҳудудда (вилоят ва туманларда) маҳалла кесимида кўпўлчовли камбағалликни қисқартириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва шу асосда тизимли равишда унга эришиш бўйича чора-тадбирларни қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Агар ушбу тавсиялар амалга ошириладиган бўлса, мамлакатимизда “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган камбағалликни қисқартириш эвазига аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича белгиланган даражага эришилиши мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 27 августдаги “Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал мулоқот” халқаро конференцияси иштирокчиларига табриги. // <https://president.uz/uz/lists/view/7502>.
2. Более 1,2 млрд человек в мире живут в условиях крайней нищеты. Мақола. <https://www.un.org/ru/190574#>.

3. <https://xabar.uz/iqtisodiyot/kambagallik-qandaymezon?ysclid=m0e4wozbw99-19266341>.
4. Мамаюнус Пардаев, Обид Пардаев. Кўп ўлчовли камбағалликни ифодаловчи индикаторлар. // <https://telegra.ph/K%D0%8EP-%D0%8ELCHOVLI-KAMBA%D2%92ALLIKNI-IFODALOVCHI-INDIKATORLAR-08-30> SamTVR I MTRK/. 2024.08.30 632. 8:58.
5. Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси. Маълумотлар интернетдан олинган.
6. Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси: ўлчовлар, ҳисобот, аҳамият ва чекловлар. Интернетда 2023 йил 20 сентябрь куни эълон қилинган.

Обид Пардаев	Obid Pardaev
Новые индикаторы определения многомерной бедности и их сущность	New indicators for definition of multidimensional poverty and their essence
<p>Аннотация. В статье описаны новые показатели определения многомерной бедности и их сущность. При этом были проанализированы рекомендации престижных международных организаций, таких как Институт прогнозирования и макроэкономических исследований (ИПМИ), Программа развития ООН (ПРООН) и Глобальный индекс многомерной бедности, разработанный Оксфордской инициативой по человеческому развитию и бедности. На их основе с учетом специфики нашей страны были выбраны 10 показателей, представляющих данную категорию, и рекомендовано использовать их на практике.</p> <p>Ключевые слова: бедность, многомерная бедность, показатели, индикаторы, безработица, качество образования, здравоохранение, нищета, занятость, сезонная занятость.</p>	<p>Abstract. The article describes new indicators for determining multidimensional poverty and their essence. It analyzed the recommendations of prestigious international organizations such as the Forecasting and Macroeconomic Research Institute (FMRI), the United Nations Development Program (UNDP) and the Global Multidimensional Poverty Index developed by the Oxford Initiative on Human Development and Poverty. Based on them, taking into account the specifics of our country, 10 indicators representing this category were selected, and it was recommended to use them in practice.</p> <p>Keywords: poverty, multidimensional poverty, indicators, unemployment, quality of education, healthcare, misery, employment, seasonal employment.</p>

Шавкат Собирович Олтаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

ЎЗИНИ-ЎЗИ БАНД ҚИЛИШДА ЗАИФ БАНДЛИҚДАН УНУМЛИ БАНДЛИҚКА ЎТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ўзини-ўзи банд қилишда заиф бандликдан унумли бандликка ўтишнинг инновацион йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида ўзини-ўзи банд қилиш тизимини такомиллаштириш, бу ҳолда аҳоли ўзини-ўзи банд қилиш даражаларини яна ҳам кўтаришга салбий таъсир қилувчи омилларни камайтириш ва бартараф этишга қаратилган ислохотлар, чора-тадбирлар ва назарий-илмий асослар муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: инновация, ўзини-ўзи банд қилиш, ўзини-ўзи банд қилиш тизими, малака ошириш ва касбий ривожлантириш, заиф бандлик, унумли бандлик, ўзини-ўзи банд қилиш фаолият турлари, ўзини-ўзи банд қилганларни касбга ўқитиш.

Кириш. Мамлакатда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ғоят муҳим омили сифатида унинг иш билан бандлиги даражасини ошириш учун керакли шарт-шароитлар билан таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасини янада ривожлантириш, одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда меҳнат ресурсларининг вужудга келиши, тақсимланиши, улардан баҳраманд бўлишнинг ҳудудий хусусиятлари билан бирга ижтимоий-демографик омилларини ҳам ҳисобга олиб, аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишнинг сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бунда, аҳоли табиий ва механик

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.